

Аллоҳ таолонинг валий бандаларидан бўлишимизга сабаб бўлувчи 10 та амал



11:00 / 27.01.2021 3604

Бешинчи амал

Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва сифатларини доим қалбдан ўтказиб, уни яхши танишга уриниш. Зеро, ким Аллоҳ таолони исмлари, сифатлари ва феъллари орқали таниса, У Зотни яхши кўриб қолишида шубҳа йўқ. Шу боис ҳам муаттилла, жаҳмия тоифалари Аллоҳнинг гўзал исмларини ўрганиб, Маҳбубга етишишга уринаётган қалблар устида туриб олган қароқчилардир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

وَأَمَّا سَأْيُفَ نَوْدِحْلِي نِي دَلْ أَوْ رَدَّوْ أَوْ هُوْ عَدَا فِى نَسْخِلْ أَمْ سَأْلِ لَوْلَا
نَوْلَمْ عَيْ أَوْ نَاكْ أَمْ نَوْزْحِي س

«Энг гўзал исмлар Аллоҳникидир. Бас, Унга улар ила дуо қилинг ва Унинг исмларида оғадиганларни тек қўяверинг. Тезда қилган амалларининг жазосини олурлар» (Аъроф сураси, 180-оят).

اَلْوَسُوْلُ سُوْحُ الْاِءَامْسَ اَلْاُءَلَفِ اُوْغَدَتْ اَمَّ اَيُّ اَنْ مَحْرَرَلْ اُوْغَدَا وَاَلْاُوْغَدَا لِق
اَلْاِيْبَسَ كَلَدَنْ يَبْعَثْ بَاو اَوْبُتْ اَخْتِ اَلْوَاكِلَاتِ اَلصَّبْرُ رَهْجَت

«Аллоҳга дуо қилинглар, Роҳманга дуо қилинглар - қай бирига дуо қилсангиз ҳам, барибир. Энг гўзал исмлар Уникидир», деб айт. Намозингни жаҳрий ҳам қилма, уни махфий ҳам қилма, шунинг орасида бир йўл тут! (Исро сураси, 110-оят).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор. Ким уларни ёд олса, жаннатга киради. Албатта, Аллоҳ тоқдир ва тоқни яхши кўради»,** дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

Банда Аллоҳ таолонинг энг гўзал исмларини ўрганиб, маъноларини тушуниб борса, Аллоҳ таолони янада яхшироқ, яқинроқ танийди ва Унга бўлган муҳаббати зиёда бўлади.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади